

Туркменистонда коронавирус сабабли ёпилган масжидлар қайта очилди



08:00 / 03.04.2021 1269

Туркменистонда 2020 йил 13 июлдан бошлаб коронавирус пандемияси сабабли ёпилган масжидлар ўз фаолиятини тиклади. Бу ҳақда республика муфтиятига асосланиб, «Туркман портал» хабар берди.

Чекловлар 2021 йил 1 апрелдан бекор қилинди.

«Барча санитария-гигиена чораларига қатъий риоя қилинган тақдирдагина масжидларга ташриф буюриш мумкин», деб таъкилади муфтият.

Шунингдек, 2021 йил 1 апрелдан республикада баъзи автобус ва темир йўл йўналишлари қайта тикланди.

Хуршид Маъруф тайёрлади